

САРИЎ, ҚАЙМОҚ, СУЗМА

НУКУС. Қораўзақ туманида "Шуёла" хиссадорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда асосан сут қайта ишланиб, турли маҳсулотлар тайёрланади.

Рейнбоў ЕШИМБЕТОВ.

МАЪНАВИЯТ КУНИ

НАМАНГАН. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан ҳар ойнинг сўнги шанбаси "Маънавият куни" деб белгиланди.

ГУЗАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

ФАРРОНА. Қувадаги Деҳқон-ёвод маҳалла гузары ҳамма нбрат килиб кўрсатилади. Бонси Бу ерда аҳолига маънавий ва маданий хизмат кўрсатиш яхши йўлга кўйилган.

Алишер ИБОДИНОВ.

ИЛМ

ДАРГОҲИДА ТАНТАНА

ТОШКЕНТ. Вилоят агробиизнес коллежида тантана бўлиб ўтди. 1966 йилда Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида машхур боғбон, академик Махмуд Мирзаев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур ўқув маскани хозир агробиизнес коллежи номига олган.

Соҳибжон САЛИМОВ.

ЯРИМ МИЛЛИОН СЎМЛИК СОВГА

САМАРҚАНД. Иштихон туманининг Митан шаҳарчасида шифохона ишга тушрилади. Замонавий усулда қуриладиган уч қаватли, 60 ўринли шифохона туман марказий касалхонасининг янги қасалиқлари ва гинекология бўлимларига мўлжалланган.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

БОҒЧА ЎРНИДА ИЛҒЕЙ

НАВОИЙ. Паррандачилик фабрикасига қарашли илғей-интернат очилди. Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда инглиз тили фанлари ўқитиладиган бу лицейда 60 нафар талаба тест синаовлари асосида қабул қилинди.

Лицей-интернатимизда шинам ётоқхоналар мавжуд. Ёшларга уч маҳал овуқат берилади, — дейди лицей директори Темир Ражабов. — Ўнлаб оғир барпо этилишидан мақсад — биламдон ёшларни саралаш.

Баҳолир ЭТАМОВ.

Ватанни севмак уймонгангур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 11 январь, шанба № 5 (22.090).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Бизнинг шарҳ

Кўнгила дурдонаси

Юсак қоялардан қуйилаётган шалолани ҳеч қузатганмисиз? Унинг ҳужжинглиги нафислиги ниҳонинга ҳайрат туйғусини муҳрлайди, кўнгилингизнинг яйдок гўшаларига нур тўшайди. Вужудингизга илоҳий бир қудратнинг сингиб бораётганини сеза бошлайсиз...

Биз ўзбек рақсининг доврўғини жаҳонга ёйган санъат даргаларининг муборак номларини биламиз. Уларнинг асрлар оша яшаб келётган нозик рақс дурдоналарини бизга мерос қилиб қолдиришгани ва бу маънавий меросни авлодларга етказиб бериш мақсадида жойларда ибратли ишлар қилинаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Аммо, миллий санъатимизни тарғиб ва ташвиқ қилишда муаммолар ҳам анчагина. Ечимини қутаётган бундай муаммолар республикадаги турли рақс бирлашмалари фаолиятида ҳам сезилади. Ёш талантларни кашф этиш ва уларни катта сахналарга олиб чиқиш, миллий рақсларимизнинг сиру-асрорини чуқурроқ ўрганиш ва бунда билимдон, фидойий санъаткорлар тахрибаларидан фойдаланишда озакчилик ҳолатлари мавжуд эди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўни кеча эълон қилинган «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ана шу каби «огриқ»ларимизга авайлаб босғувчи малҳам бўлди.

Айниқса Фармоннинг 3-бандига киритилган «...мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги рақс йўналишларини асраш, авайлаш, шу асосда янги бадий жамолар тузиш, мустақиллик маънавиятини ва истиқлол гоёларини тараннум этувчи, халқимизга эстетик заъқ бағишловчи замонавий ўзбек миллий рақс мактабини яратиш» ҳақида белгилаб қўйилган вазифалар қишлоқ, туман ва вилоятлардаги рақс дасталари ишини янги йўналишга солиб, янада жонлантиришдир.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

БИШКЕК. 10 январь. (ЎзА махсус муҳбири Амirkул КАРИМ хабар қилади). Бугун Бишкекдаги ҳукумат уйида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлараро кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.



СУРАТДА: мажлис пайти.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Дастлаб Бишкекдаги «Ола арча» қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев уртасида тор доирадаги учрашув бўлиб ўтди. Сунгра ҳукумат уйининг ясси залида узаро музокаралар расмий делегациялар аъзолари иштирокида давом этди.

нингдек, давлатлараро кенгашида кузатувчи мақоми тўғрисидаги қоидаларни, БМТ ҳокимлигидаги Марказий Осиё тинчлигини таъминлаш батальони ҳақидаги қоидаларни тасдиқлаш, давлатлараро кенгаши ва унинг муассасаларида раислик қилиш тўғрисидаги қарорларни ҳам имзоладилар. Навбатдаги мuddатта давлатлараро кенгашига ва унинг муассасаларига Қирғизистон вакиллари раислик қиладиган бўлди.

Хўжатларни имзолаш маросимидан сунг Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Марказий Осиё батальони минтақа ҳудудидан ташқарида ҳам тинчликни таъминлаш мақсадида фойдаланиши мумкинлигини айтди.

чи мақомида иштирок этиши мумкинлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти «Қозоқ адабиёти» газетаси муҳбирининг қардош халқлар маданий алоқаларини ривожлантириш юзасидан қандай ишлар режалаштирилатгани хусусидаги саволга жавобан утган йили Ўзбекистонда Қозоғистон маданияти кунлари муваффақият билан ўтганини ва бу мамлакатларимиз маданий ҳаётда унутилмас воқеа бўлганини таъкидлади.

Ислоҳ Каримов ҳамкорликдаги лойиҳаларга хусусий сармоялар жалб этилаётгани, деган саволга Асақда «ДЭУ» компанияси билан бунёд этилган заводни мисол келтирди.

Кирғизистон Президенти қардош мамлакатлар уртасидаги иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бораётгани ҳақида гапириб, утган йили Ўзбекистон билан икки томонлама узаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми аввалги йилга нисбатан 2 баробар, Қозоғистон билан эса 1,6 баробарга усагини айтди.

Ислоҳ Каримов ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартнома доирасида қабул қилинаётган ҳужжатлар шунчаки сиёсий ҳужжат эмаслигини, улар асрлар давомида бирлиқда дўстлик ва ҳамкорликда яшаб келган халқларнинг орзу-ниятлари ифодаси эканига алоҳида эътибор қаратди.

Шу кун И. Каримов Президент И. Каримов Бишкекдан Тошкентга жўнаб кетди. «Манас» аэропортида Президент И. Каримовни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев кузатиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 10 январь кун Бишкекдан Тошкентга етиб қолди.

Тошкент аэропортида юртбошимизни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ПУЛ ТАЪМИНОТИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Муддатли Ҳарбий хизматчиларни иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ташкил этилганлигининг беш йиллиги муносабати билан:

- 1. Белгилаб қўйилсинки, муддатли Ҳарбий хизматчилар ва курсантларнинг ҳар ойлик пул таъминоти миқдорлари энг кам иш ҳақига нисбатан фоизларда белгиланади ва унинг ошишига қараб узгартириб борилади.
- 2. 1997 йил 1 январдан бошлаб муддатли Ҳарбий хизматчилар ва курсантлар ҳар ойлик пул таъминотининг энг кам миқдорлари ягона тариф сетақсидаги энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан белгилансин.

Муддатли Ҳарбий хизматчилар ва курсантларнинг пул таъминоти миқдорларини оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

— Мазкур Фармонни ўз бўлимларига етказсинлар; — Муддатли Ҳарбий хизматчилар ва курсантларга мазкур Фармонда белгиланган ҳар ойлик пул таъминоти оширилишини ҳисобга олган ҳолда улар ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишлигини ва тўлиқлигини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ун кун мuddатта ягона тариф сетақсига мuddатли Ҳарбий хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тегишли узгартиришлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1997 йил 9 январь.

Ҳамид ота узоқ тумандан келган дўсти билан гурунлашиб Зарангарига бир пасда етиб келишганини пайқамди. Кенг асафалт йўлнинг икки томонидан ҳар хил мейморий усулда қурилган биноларга боқиб тўймайсан, киши!

— Ҳаммаси шу уч-тўрт йилда қурилган, — дея дўстини «Сайқал» чойхонасига бошлади. — Барака толгур раисиниз Ибоджон ҳаммаси беш-қош бўлди.

Меҳмон салобатли чойхона, кичик бозор, ун минг томошабинга мўлжалланган уйигоҳ, ҳаммом, каттагина аралаш моллар дўқони, хизмат кўрсатувчи тармоқларга боқаркан Ҳамид ота сузларини такрорлади: барака топсин, асло кам бўлмасин! Қанийди, бизнинг қишлоқлар ҳам шундай бўлса, демоқчи бўлдию лекин сирини очмади...

Ҳамид ота. Норултов ҳам бир неча йил Гиждувон туманидаги «Ўзбекистон» жомса хўжалигига раҳбарлик қилган. Тан оладикки, шу роллар даврида берухсат битта чайла ҳам қурилмасди. Газлаштириш, ичимлик сув ҳақида оғиз очиб бўлмасди. Гарчи хўжалик республикада номдор бўлса-да, деҳқоннинг қосаси оқарган эмас. Етиштирилатган пахта, пилла, чорва маҳсулотлари арзон-гаровга сотилар, манфаат унчалик эмасди.

Ибоджон Ҳикматов хўжаликка Ҳамид отадан сунг икки бор раис бўлди. Уша йилларда хўжалигининг 21 та қишлоғини тулганлаштириш осонмиди? Қимларгадир ёқмадимки, амал қилсин керак бўлди чоғи, уни ишдан олишди.

Ишларини давом эттирди. Халқимизда: «Яхши раҳбар — чин падар» дейилган ажойиб нақл бор. Буни И. Ҳикматов тисмонлида зарангарликлар аниқ кўришди. Хўжалик 1995 йилда пахта тайёрлаш режасини Бухоро вилоятида биринчи бўлиб бажарди. Бунинг эвазига хўжаликка «АЗ-31» энгил машинани мукофотга берилди.

1996 йил якуни ҳам чакки эмас. Пахта ҳосилдорлиги 44 центнерга

етди. Мул-қул дон етиштирилди. Ҳамма соҳадан 40 миллион сум даромад қилинди. Биргина бу эмас, хўжалик ҳудудида 32 та аҳолига хизмат кўрсатувчи кичик қорхона, цехлар фаолият кўрсатяпти. Булар ҳам даромад манбаида: ҳар йил хўжалик шифобдан қандамда 500 минг сум маблағ эгаси бўляпти.

Хўжалик узининг футбол жамоасига ага. «Зарангар» футбол жамоасининг доврўғини айтмайсизми?

Кўпича қишлоқ-қишлоқ да дейишади. Бунга зарангарликлар тасқари жавоб беришади. Чўки бугун ҳамма йўллар раво, замонавий мактаб, боғча, шифо масканлари, водопроводлашган шинам уй-жойлар... Деҳқонлик ҳозони қайнайди. Идора олдидан ердам сураб келувчилар кам... Аммо туманда?..

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ромитан тумани бир пайтлар ижтимоий-иқтисодий курсатқилари билан республикада етакчи уринини эгалларди. Ҳозир нега тасқариш? Пахтачилик ҳам, чорвачилик ҳам оқшага ош тутди. 1996 йилда туманда пахта тайёрлаш ре-

солмайдими? Чорвачилик инқирова юз тутган, хиссадорлик жамиятлари тугатилиб, улар хўжаликлар иштироғига берилди. «Бу аҳолини унлашнинг ягона йўлидир», дейишди туман раҳбарлари. Ҳар бош сизгирдан сунг соғиб олишда Эрнафас Хўжаев номли, «Ўзбекистон» «Шурча», Ибн Сино номли, «Халқобод» жомса хўжаликлари «рекорд» қўйишди. Уртача бир товуқдан «Нурфашон» жомса хўжалигида 7 та, «Қургон» жомса

хўжалигида 26 тадан тухум олингани қандай баҳолаеса булади? Мамлакатимизда дон муқтақиллиги учун қатъий сай-ҳарақатлар қилинса-да, туманда ҳамон хотирхўжалик: 1996 йилда дон етиштиришда депсиниш юз берди. Мана шуларнинг ўзи туман раҳбарлари учун лоқайдиқ қанчалик қимматга тушганлигини кўрсатайдими?

Шу уринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, хўжалик раҳбарлари шунчалик нуноқми, улар арвалавини торта олмаётдиларми? Ҳамма кусур шунда-да! 1996 йилда хўжаликлар раҳбарлари шунчалик тез узгартирилиб турилдики, кўпчилик буни узига хос «пойга» деб атади. Айрим жомса хўжаликларининг раҳбарлари икки-уч мартадан узгартирилди. Шу боис қолганларнинг ҳам қули ишдан соғуди десак муболага бўлмас. Мутахассислар юрак ҳовучлаб қолга-

ни-чи? Бу нуқсонлар аччиқ мевасини бугун иши ҳам, деҳқон ҳам, чорвадор ҳам тотимокда. Қарлар ҳўлилай кетяпти. 96 минг нафар аҳолиси булган туманда пул эмиссияси даражаси жуда юқори: энди йўлаб кўринг, қишлоқ аҳолиси бу аҳолида қандай кун қуради? Орзу-ҳавасига қандай етади?

Олти минг жон яшайдиган хўжалик идорасида бўлиб, бош иқтисодчи Аслон Саъдуллаев билан суҳбатлашдик. Унинг айтишича, пахта тайёрлаш режаси 97 фоизга бажарилган. Хўжаликда дебитор қарзлар 23,5 миллион сумни, кредит қарзлар эса 24,2 миллион сумни ташкил этади. Хўжалик қарзга ботса, ким айбдор? Бу рақамларни кўрганда раҳбарларнинг эти жомирлармикан?!

Бугунги раҳбарлик фаолиятига туб узгаришлар киритиш керак — юртбошимиз бу сузларни Бухородаги сессияда айтганларида залда Ромитан тумани раҳбарлари ҳам бор эди. Ҳа, бугун оқошишта утирадиган замон эмас. Қишлоқ аҳолиси келажакни уйлаш, ёшларни иш билан таъминлаш, инфраструктура ни яратиш, гуруҳболикка барҳам бериш, умумий гапдан амалий ишга утиш, миллий гурурни узиди муассамлаштириш вақти етди! Яхши маънодаги муносабани кучайтириш, раҳбарликда зарангарликлар услубини қуллаш даркор! Шунда катта имкониятлар эшигини бозор иқтисодиёти шариотинда ҳам оча олармикан?

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Лукма

ЁҒ ЯХШИ, ДОҒИ-ЧИ!

Лукма

ЁҒ ЯХШИ, ДОҒИ-ЧИ!

Катта бозорда нималар бўлмайди, дейсиз. Одамлар тирчилик, деб узларини ҳар ёққа урадилар. Катта кучаларда турна қатор тизиб қўйилган автомобилъ вниглиси тута идишларни кўриб ҳайрон бўлардик. Бу кетишда уларнинг қаторидан улчаб, тайёрлаб қўйилган пахта вти идишлари ҳам териладиганга ухшайди. Боиси, ҳамма нарсанинг савдоси бозорда шаклланади-да. Оғиздан-оғизга кўчиб юрган «Бозорда ёғ сотишавтган экан» деган гапларга ишонқирамай қарардим. Ахир ўсимлик ёғи аҳоли мунтазам таъминлаб туриладиган маҳсулот турига қиради-ку?

Пойтахтининг «Чорсу» бозорига тушиб гушт растлари томонга ўтсангиз, сузсиз одамлар туғлиниб, гала-говур кутарватган тудика қузингиз тушади. Атрофига катта-катта қишлоқ идишларини пахта ёғига тўдириб олган чайковчи сузиди маҳкам: «Йўқ, йўқ бўлмайди». Бу пахта ёғи, укажон. Тозалигини қураясизми? Асл мўл. Нархини ерга урманг. Ахир узимиз 80 дан оламиз. Йўл ҳақи, патта пули, қолаверса, налог, дегандек. Сиз айтганга берсам, тирчиликни нима бўлади. Хоҳ олинг, хоҳ олмаг — 100 сум».

Кимгадир қиммат туюлади, бошқасига арзон. Биров иккиланади. Аксарият дўконларда зарур озиқ-овқат маҳсулотлари қаторида турган пахта ёғининг қупинча бўлмастлиги ана шундай нохуш манзарога сабаб бўляпти чоғи. Хўш, «чайковчи пахта ёғини қардан оляпти? Нима, унинг заводи борми? Бу ҳақда тегишли назорат идораларининг ҳодимлари хўшрўлик кўрсатишмаса, олибсотар «шовво»лар қўпчилик ҳаридорлар кўнглига доғ туширишда давом этишлари турган гап.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.





